

9-10-2019

## CERTAIN SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPING ENTREPRENEURSHIP SKILLS IN PUPILS

Муҳайё Ботиралиевна Артикова

*Андижон давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Артикова, Муҳайё Ботиралиевна (2019) "CERTAIN SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPING ENTREPRENEURSHIP SKILLS IN PUPILS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 57.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/57>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## CERTAIN SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPING ENTREPRENEURSHIP SKILLS IN PUPILS

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

## ЎҚУВЧИЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Артикова Муҳайё Ботиралиевна

Андижон давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди

**Аннотация.** Мақолада ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари, ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритишда масъулият хисси муҳим ўрин тутиши ҳақида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** мактаб, ўқувчи, тадбиркорлик, ижтимоий-психологик тайёрлик, психологик хусусиятлар, мотивация, ижтимоий тасаввур, масъулият, қобилият.

## НЕКОТОРЫЕ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ У УЧЕНИКОВ

**Аннотация.** В статье рассматривается социально-психологическая подготовка учеников к предпринимательской деятельности, психологические особенности развития в них предпринимательских навыков, важное место в социальных представлениях, а также чувство ответственности за ведение предпринимательской деятельности.

**Ключевые слова:** школа, ученик, предпринимательство, социально-педагогическая подготовка, психологическая особенность, мотивация, социальное воображение, ответственность, способность.

## CERTAIN SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF DEVELOPING ENTREPRENEURSHIP SKILLS IN PUPILS

**Abstract.** The article discusses the socio-psychological preparation of students for entrepreneurial activity, the psychological features of developing entrepreneurial skills in them, the formation of social perceptions and the role of responsibility in doing business.

**Keywords:** school, pupil, entrepreneurship, socio-psychological readiness, psychological characteristics, motivation, social imagination, responsibility, ability.

Жамият ривожланиб боргани сари инсоннинг ҳаётини хоҳиш, талаб, қизиқишлари тобора ортиб боради ва ўз навбатида уларни қондириш манбалари ҳамда миқдорига ҳам ижтимоий шартлар қўйилади. Тараққий этган давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳар қайси жамиятнинг порлоқ келажаги ишлаб чиқариш маҳсулотлари мўл-кўллиги билангина эмас, сифати билан ҳам таъминланади. Бугун замонавий жамият кимки рақобатбардош ва ташаббускор бўлса, сифатни таъминласа муваффақиятлар келишини кўрсатмоқда. Буларнинг барчасига тадбиркорона иш юритиш орқали эришиш мумкин. Шундай экан умумтаълим мактабининг вазифаси ўқувчиларнинг тезкор, ўзгарувчан иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий вазиятларга мослашувини таъминлаш учун уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожланти-

риш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида халқ таълими тизимининг стратегик мақсади сифатида “Инсон капиталини меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш” масаласи белгилаб қўйилгани ҳам юқоридаги фикримизни тадиқлайди [1].

“Таълим тизимида ўқувчиларнинг фақат билим доирасини кенгайтириш асосий мақсадга айланмаслиги, балки уларда ҳаёт учун зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш биринчи ўриндаги вазифа бўлмоғи керак. Бу борада ҳозирда муҳим қадамлар қўйилди... Мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилган. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш нафақат юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, балки ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кенг йўл очади” [2:48].

Маълумки, юртимизда ва дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир инсонга ўз қобилиятлари ва ташаббусларини намоён этиш эркинлигини тақдим этиш билан бир қаторда ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи масъулият, мустаҳкам ирода, фаолликни талаб этади. Бу эса таълим соҳаси олдида эса ёш авлодни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида онгли иштирок этишларига тайёрлашда педагогик-психологик жиҳатларига урғу бериш вазифасини қўяди.

Барча соҳалар каби тадбиркорлик фаолияти ҳам ўзининг маълум бир психологик жиҳатларига эга. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида фаолиятга ундовчи мотивлар, шунингдек, фойда олишга қаратилган мақсад, ортиб борувчи эҳтиёжлар, мақсадга эришиш йўлида фаолият йўналишларини бойитиб бориш каби жараёнларга психологик тайёрлик талаб этилади.

Демак, тадбиркорлик жамият тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири саналар экан, унга кўра, бу фаолиятнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Кўплаб тадқиқотларда фаолиятга психологик тайёрлик фаолият шарти ва регулятор сифатида, унинг интеграл хусусияти тарзида субъектининг психологик ҳолати, установакалари билан боғлиқликда кўриб чиқилади. Психик ҳолат сифатида инсоннинг психологик тайёрлигини ўрганиш натижасида қатор олимлар зарурий даражада фаолиятни амалга оширишни таъминлайдиган инсон барча психофизиологик тизимларининг сафарбар этилганлик ҳолатига диққатни қаратади.

Тадбиркорлик ва уни бошқариш муаммоларини ҳал қилишда Гарварддан Д.Маккеланд (D.McCelland) ва Мичиган университетидан Ж.Аткинсон (J.Atkinson)лар томонидан ишлаб чиқилган мотивация назарияси муҳим аҳамият касб этади [3:119-122]. Улар мотивацияни ўлчашда аниқ баҳо беришга ҳаракат қилишиб, учта омилга бўлишади: **муваффақиятга интилиш; тан олинисига интилиш; ҳокимиятга интилиш.**

Муваффақиятга эришиш омилида кишилар ҳаётини неъматлардан баҳраманд бўлишни назарда тутишади. Муваффақиятга эришиш жараёнида шахс ўз олдида турган қийин муаммоларни ечишни ёқтиради ва унга интилади. Ҳокимиятга интилиш омилида эса муайян шахс бошқарувга ўз ҳукмини ўтказишга интилади ва бундан мағрурланади.

Умуман олганда, муваффақиятга эришиш мотивацияси шахс қобилиятлари доирасига алоқадор бўлиб, бу мураккаб масалалар устида жиддий равишда ишлай олиш лаёқатидир. Чунки ўрта ақлий қобилиятга эга бўлган тадбиркор баъзида ўзидан кўра, ўткирроқ рақобатдошларига қараганда яхшироқ фаолият юритаётганлигини айнан шу муваффақиятга эришиш мотивациясидаги ўзаро тафовутлар тушунтириб бериши мумкин.

Robert J.Kreitner ҳамда Angelo J.Kinickiларнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти мотивацияси бевосита ва билвосита уч соҳага бўлинади: тадбиркор фаолиятини илҳомлантириш, унга руҳ бахш этиш; фаолиятни мақсадга йўналтириш ва унинг тармоқларини ажратиш; фаолиятни шакллантирилишини белгилаш[5:142,205].

Психологик нуқтаи назардан мотивацияни тизимли тарзда ўрганиш инсонни меҳнатга айнан нима йўналтирилишини яққол аниқлаш имконини беради. В.Weiner ўзининг «Мотивация назариялари» китобида тадбиркорлик фаолияти мотивациясини ёритишда «Инстинкт назарияси», «Идрок этиш назарияси», «Бошқариш ва мустаҳкамлаш назарияси» каби назарияларнинг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлаб ўтган [10:54-66]. Унга кўра, биринчиси – инстинкт назарияси. Унда эътироф этилишича, тадбиркор фақатгина ташқи таъсир ва ички таҳлилга асосланган ҳолдагина эмас, балки ўзининг инстинктив мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширар экан. Ачинарли томони шундаки, бу ҳаракатларнинг натижаси моҳиятини улар кеч англаб, ўзлари билмаган ҳолда амалга оширганликларини уқтиришади. Иккинчиси – идрок этиш назарияси. Ушбу назария “бошқариш” назарияси билан узвий боғлиқдир. Идрок этиш назарияси тадбиркорнинг келажакка бўлган ишончига асосланса, “бошқариш” назарияси ўтмишдаги воқеа оқибатларига асосланади. Бу назарияда таъкидланишича, инсон фаолияти келажакка бўлган орзу, умид, ишонч каби таркибий қисмлардан иборатдир. Учинчиси – бошқариш ва мустаҳкамлаш назарияси – тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг психологик жиҳатдан асослайдиган иккинчи назария бўлиб, ҳозирги фаолият ўтмишдаги малака ҳамда келажакда кутилаётган оқибат (ютук, соврин, мавқе...)ларга асосланади дейилади.

Умуман олганда, мотивацияга маълум бир хатти-ҳаракатларга ундовчи организмнинг ички ҳолати сифатида қаралади. А.Крилов ўз қарашларида, мотивация феноменини учта асосий талқинини шарҳлаб ўтади: физиологик талқинлар – ички мотив ёки эҳтиёжларнинг аҳамиятлилигини эътироф этади [6:219]. Мисол учун, емишдан маҳрум бўлган ҳайвон очликни ҳис этади ва егуликни излаб топишга ҳамда ўз физиологик эҳтиёжини қондиришга интилади. Очлик, чанқоқлик ва жинсий майл каби ҳолатлар организм учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, одатда “бирламчи драйв” деб ҳисобланади; бихевиористик талқинлар – ўргатиш (ўқитиш) жараёнида орттирилган ички мотивларга суянади. Масалан, пулга эга бўлишга нисбатан мотивацион мойиллик. “Бирламчи драйв (бошқариш, ундаш)” ҳолатлари пуллар билан ассоциацияланиши сабабли, биз фаолиятга нисбатан йўналтирилган юқори мотивацияни сезамиз; психологик талқинлар – бизни аниқ ҳаракатларга мотивловчи “бирламчи драйв” концепцияси инсоният хулқ-атворининг мураккаб қирраларини тушунтиришда ҳам долзарб

бўлиб қолаверади. Бунда ички мураккаб эҳтиёжга эришиш ёки Маслоу бўйича ўзини рўёбга чиқариш мотивациялари мисол бўла олади.

Шахсдаги энг муҳим афзалликлардан бири у ташқи муҳитни билиши, турли вазиятларда унга мослашиши ҳамда барқарор хулқ-атвор меъёрларини ўзида тарбиялай олишидир. Чунки инсон жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ютуқларини билиши ва қадрлаши, уларни ақдан ҳис қила олиши керак. Бу нарса унга ўз замонасини тўғри идрок қилиш ва тушуниш имкониятини бериб, шахс тасаввурлари дунёсини мазмунли қилади. Бу эса тасаввурлар ва уларнинг шакланганлик даражасига оид илмий-назарий тушунчаларга таъриф беришни тақозо этади.

Жумладан, О.Ҳайитов “Ижтимоий тасаввурлар – ҳар бир шахс томонидан ижтимоий борлиқни ўзига хос тарзда қайд этиш воситаси бўлиб, субъектив реалликни объективлик билан боғловчи психологик механизмдир” [7:25], деган хулосага келган.

Бу таъриф орқали муаллиф ижтимоий тасаввурларнинг қуйидаги бир неча муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатади: ижтимоий тасаввурлар фаол ижтимоий мулоқотлар маҳсули; улар шахс учун муҳим бўлган ижтимоий объектларга нисбатан, унинг онгли муносабатларини таъминлайди; ижтимоий тасаввурлар билиш воситасидир; жамиятда қабул қилинган турли ижтимоий меъёрлар, хатти-ҳаракат шакллари, кадриятлар ва баҳоларнинг интериоризациясини таъминлайди; ижтимоий тасаввурлар шахс ижтимоий тажрибасининг негизидир.

Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин: идрок этиш босқичи – унда онгда бевосита акс этадиган маълумотларнинг қабул қилиниши ва тадбиркор учун аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан сараланиши рўй беради; ассоциатив боғланишлар босқичи, бунда онгдаги янги хабарлар эскилари билан солиштирилиб, ассоциатив ва маънавий боғланишлар ўрнатилади; юқоридаги икки босқич хусусиятларининг умумлаштирилиши – объект ҳақидаги тасаввурларнинг генерализациясидир; кейинги босқичлар кўпроқ тафаккур ва тушунчалар соҳасига тааллуқли бўлиб, унда ҳар бир маълумот ёки хабар дифференциал ҳолда тадбиркор учун аҳамиятлилиқ даражасида ажратилади ва шу асосда маълум установакалар шаклида унинг хулқ-атвори йўналишини белгилайди.

Ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариши, аввало, ташқи омиллар таъсирига боғлиқ бўлиб, мутахассислар бу жараёни тушунтирувчи қатор босқичларни ажратишади: маълумотлар оқимининг идрок қилиниши ва улардан шахс учун аҳамиятлисини ажратиб олиниши; ажратиб олинган маълумотларнинг эскилари билан солиштирилиши ва улар орасида ўзаро боғлиқликнинг ўрнатилиши; когнитив тизимда янги маълумотларнинг табақаланиши ва таснифланиши. Ҳар бир табақада энг аҳамиятли, маъноли «мағиз» маълумотларнинг ажратилиши ва унга аҳамиятсизларини қарама-қарши қўйилиши, қиёсланиши; тасаввурлар “ядроси”, “мағзининг ташкил топиши ва унинг хулқ-атвор шаклларида мустаҳкамланиши [8:71].

Ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши ва динамикасини таҳлил қилиш орқали, уларни қуйидаги қатор муҳим хусусиятларини ажратиш мумкин: ижтимоий тасаввурлар, унинг субъекти ҳисобланган шахс, синф, гуруҳ ёки

миллатнинг атрофидаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ тарзда шаклланади; улар маълум маънода умумлаштирилган образлар бўлиб, бунда тасаввур субъектининг образ объектини тушуниши ва сўз билан ифодаланишида муҳим роль ўйнайди; доимо ижтимоий тасаввурлар анланган аҳамиятга эга; ижтимоий тасаввурлар ўзгарувчан ва динамик тузилмалардир; бу тасаввурлар доимо репродуктив образлар ҳисобланиб, маъно ва мазмун касб этган образлар хотирада сақланиб, ҳар қандай ижтимоий вазиятда шахс хулқ-атворида, нутқида, ҳаракатларида, ишларида ва мулоқотида намоён бўлади; ижтимоий тасаввурлардан турли гуруҳлар психологиясини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

“Тадбиркорлик соҳаси, айниқса ёшлар учун кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган сирли мамлакат ҳисобланади. Буларнинг ичида ўзини намоён қилиш имконияти, меҳнат қилиш имконияти, кураш ва таваккал қилиш билан боғлиқ қизиқарли фаолият билан шуғулланиш, фаол ишлаш, ўз маблағларини ишлаб топиш, қарор қабул қилиш, уларни қаерга сарфлаш ва улардан қандай фойдаланиш каби имкониятлар бор. Бундан ташқари, уларда келажagini ўз қўллари билан қуриш имконияти ҳам мавжуд” [9:88].

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш фаолият юритувчи субъектдан масъулият хиссини таркиб топиши билан боғлиқдир. Масъулият шахснинг етуқлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади.

Масъулиятни ўз бўйнига олишга ўргатилган болаларда ҳавотирлик, нейротизм, конформизм ҳолатлари кам учраркан. Улар ҳаётга тайёр, фаол, мустақил фикр юритувчилардир. Уларда ўз-ўзини ҳурмат ҳисси ҳам юқори бўлиб, бу бошқалар билан ҳам ҳисоблашиш яшашга сира ҳалакит бермайди. Масъулиятлиликнинг иккинчи тури ундан фарқли, барча рўй берган ва берадиган воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар (ота-она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишлар ва бошқ.).

Масъулият ёки масъулиятлилик инсонни бажарадиган амаллари, иш-ҳаракатлари учун ўзида жавобгарликни тўла хис этиш қобилиятидир. Масъулиятли одам ҳар бир хатти-ҳаракати учун ён-атрофдагилар олдида жавобгар эканини чуқур хис этади ва бирор ишни қилишдан олдин унинг оқибатини ўйлайди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун тадбиркорлик фаолиятининг шартлари ва хусусиятлари тўғрисидаги билимларни эгаллаш, яъни замонавий жамият учун қанчалик муҳим ва зарур эканлигини англаш муҳимдир. Бутунги кунда умумтаълим мактабларининг иқтисодий йўналишидаги дарсликлари: “Иқтисодий билим асослари (8-9-синфлар учун)”, “Маънавият асослари (10-11-синфлар учун)” ишлаб чиқилган. Мазкур санаб ўтилган барча дарсликлар бўлажак касбни танлашда зарур ҳисобланган иқтисодий тафаккурнинг ривожланишини таъминлаши, барқарор касбий қизиқишларни шакллантириши лозим.

Шу тариқа ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланиши бир неча босқичлар давомида юз беради:

1. Мотивация – ўқувчининг тадбиркорлик фаолиятининг мақсади, мазмунини англаши.
2. Қизиқиш – ўқувчиларнинг ҳаётнинг иқтисодий соҳасидаги зарур фаолият тажрибасини аниқлаш.

3. Эгаллаш – ҳаётнинг иқтисодий соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти масалалари бўйича назарий ва амалий ўқув-ахборот блоки.

4. Ўз-ўзини назорат қилиш – олинган натижалар таҳлили ва уларни қўйилганлари билан қиёслаш.

Мазкур масалани чуқур таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг самараси ўқитувчиларнинг тадбиркорликка нисбатан ижобий муносабатлари, иқтисодий билимларга эгаллиги ва ота-оналарнинг даромадли оилавий тадбиркорликни ташкил этиш малакаларига боғлиқдир;

– юртимизда ва дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳар бир инсонга ўз қобилиятлари ва ташаббусларини намоён этиш эркинлигини тақдим этиш билан бир қаторда ўзини бугунги кун талабида ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни ҳам талаб этмоқда;

– тадбиркорлик фаолиятининг шартлари ва хусусиятлари тўғрисидаги билимларни эгаллаш замонавий жамият учун қанчалик муҳим ва зарур эканлигини англаш умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун жуда муҳимдир.

– фаоллик, масъулиятни ҳис этиш, зарур вақтда тўғри қарор қабул қилишга ўрганиш каби тадбиркор учун зарур бўладиган сифатларни ўқувчиларга оилада ва мактабда ҳам мунтазам сингдириб бориш зарур.

#### References:

1. O'zbekiston respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi "O'zbekiston respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi №PF5712-sonli Farmoni.
2. Aslonov I.N. O'quvchilarni kasbga yo'naltirishda oila, mahalla va ta'lim muassasalarining hamkorligi masalalari // Zamonaviy ta'lim, 2016/5. 48-bet.
3. David McClelland, The Society – Princeton, N.J.: Van Nostrand, 1961. – P. 119–122.; Atkinson J.W. An Introduction to Motivation – Princeton, N.J.: Van Nostrand, 1964. – P. 112–114.
4. Iskenderov J.S. Pedagogika kolleji o'quvchilarida xarakterning intellektual va irodaviy xususiyatlarini shakllantirish: Psix. fan. nom. ...diss. – T., 2009. – 147 b.
5. Kreitner, Robert. Organizational behavior / Robert J. Kreitner, Angelo J. Kinicki. – BPI/IRWIN, Homewood, IL 60430. – Boston: MA 02116, 1989. – P. 142–205.
6. Psixologiya. Uchebnik. / Pod. red. A.A. Krilov. – M.: «PROSPEKT», 1998. – S. 219.
7. Hayitov O.E. Tadbirkorlik faoliyati motivatsiyasining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari: Dis. ... psixol. fan. nom. – T.: TDIU, 2005. – B. 25.
8. Hayitov O., Ochilova G. Tadbirkorlik psixologiyasi. – O'quv qo'llanma. 1-kitob. Oliy o'quv yurtlari magistratura bosqichi talabalari uchun // Prof. V.M.Karimovanning umumiy tahriri ostida. – T.: «Fan va texnologiya», 2008. – 144-b. – B.71.
9. Xudoyberdiev Z.YA., Xomitov K.Z., Murodov A., Ko'paysinova L.K., Arabov N.U. Tadbirkorlik va ishga joylashtirish texnologiyasi asoslari. O'quv qo'llanma. –T.: Ilm-Ziyo, 2016. – B.88.
10. Weiner B. Theories of Motivation. – Chicago: 1972. – P. 54–66.